



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 27 август, №174-175 (3286-3287) Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маънавият ва маърифат, санъат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Ватанамиз мустақиллигини мустақамлаш, халқаро миқёсда унинг нуфузини ошириш, халқимиз маданиятини ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўзининг ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қўйиладиган фахрий унонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”

Алиқулов Алишер Маҳмудович — Ўзбекистон Бадний ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтаъвирчи
Рафикот Муҳамат Муҳиддинов — Бухоро вилоят телерадиокомпанияси режиссёри

“Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”

Солиқов Рустамхон Собирович — Ўзбекистон Фанлар академияси Биокимё институти лаборатория мудири

“Ўзбекистон ифтихори”

Крушевский Сергей Александрович — Марказий ҳарбий спорт клуби ҳарбий хизматчиси

“Ўзбекистон Республикаси халқ артисти”

Бойхорова Зулайхо Мамажоновна — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри актриси
Исмоилова Дилбар Обидовна — Аброр Хидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театри актриси
Носиров Элёр Расулович — Аброр Хидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театри актриси

“Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси”

Поёнов Абдиназар — Бахши, Сурхондарё вилояти Қириқ тумани

“Ўзбекистон Республикаси халқ россомии”

Миртожиев Жалолиддин Турсунович — Ўзбекистон Бадний ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош
Нуридинов Акмал Ваҳбжонович (Акмал Нур) — Ўзбекистон Бадний академияси академиги, рангтаъвирчи

“Ўзбекистон Республикаси халқ устаси”

Ниязов Баходир Бобоевич — Ўзбекистон халқ усталари ва хунармандлари “Хунарманд” уюшмасининг Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари, кулол
Раҳматиллаев Сирожиддин Рихсатилаевич — “Усто” бирлашмаси ёғоч уймаkori

“Ўзбекистон Республикаси халқ хофизи”

Эркаев Али (Алижон Эркаев) — А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти доцент, хофиз

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”

Аҳмаджонов Шукрулла — М.Қорӣқубов номидаги академик ва халқ бадийи жамоалари дирекцияси созандаси (найчи)
Бегачева Бекантом — М.Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри актриси
Гафаров Руслан Раётович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси
Жалолов Фотиҳ Ҳамидович — “Ўзбекино” давлат-

акционерлик компанияси актриси
Жўрабоева Раъно Болтабоевна — “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси “Тановар” рақс ансамбли раққосаси

Исмоилова Зарифа Ҳасановна — А.Қаҳҳор номидаги Республика сатира театри актриси

Исроилов Жўра Исмоилович — Жиззах вилояти Ю.Ражабий номидаги мусиқали драма театри актриси

Кайипазарова Турсунгул Айтмбетовна — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон мусиқали драма театри актриси

Карим Абдулазиз Сирожиддин ўғли — “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хонандаси, композитор

Каримов Рўздат — О.Хужаев номидаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театри актриси

Луқоникова Гульнара — Ўзбекистон Рус академик драма театри актриси

Масудов Фатхулло Ҳусанович — Ўзбек Миллий академик драма театри актриси

Матқаримов Тошпўлат Қаршибоевич — Тошкент вилояти “Курама” ашула ва рақс ансамбли бадийи раҳбари, хонанда

Матқубов Равшанбек Жуманович — Хоразм вилояти “Хива нақшлари” ашула ва рақс ансамбли хонандаси

Молдаханов Сейдулла Абдуллаевич — “Илҳом” театри актриси

Мухторова Мадина Саидамминовна — Ўзбек Миллий академик драма театри актриси

Раҳимов Баҳрулло Мардиевич — Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилояти мусиқали драма театри актриси


Тошпўлатов Ҳудоёр — Республика Еш томошабинлар театри актриси

Шалберкин Андрей Александрович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет солисти

Шомаърупов Абдулла Набиевич — “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси “Нола” гуруҳи хонандаси

Ҳамидова Юлдуз Олимовна — “Ўзбекфильм” киностудияси актриси

(Давоми 2-бетда).



Юзу кўзларидан нур ёғилиб турган бу ёшлар мустақиллик тендошлари, Истиқлол фарзандлари. Илк мучал ёшларини нишонлаётган Гулруҳ Ҳасимова ва Феруз Музаффаровларнинг бу кун қувончлари чексиз. Ахир катта шодиёналар арасида туғилган кунини нишонлаш ҳаммага ҳам nasib этавермайди. Қолаверса, бу болажонлар овоз ва обод юртининг бугунги ва эртаси. Шу боис ҳам Юртбошимиз ҳаммиса қайта-қайта таъкидлаганидек, билимга чанқоқ, истеъдодга бундай ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиздир.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

ТОШКЕНТ (УЗА мухбири Фазлиддин АРЗИЕВ). Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондонининг ўринбосари генерал Майкл Делонг бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси мулоффа вазири Қодир Фуломов билан учрашди. Марказий қўмондонлик АҚШ Мулоффа вазирилик таркибидagi тўққиз қўмондонликдан бири бўлиб, фаолияти дунёнинг 25 мамлакатига АҚШ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бирлашган тезкор ҳарбий гуруҳ сифатида таъкид этилган Марказий қўмондонлик Африка, Форс кўрфазини ҳамда Марказий Осиёга бўлган ҳудудларда фаолият юритмоқда. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда Афғонистонда барқарорликни мустақамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Солиқ Сафоев билан ҳам учрашди. Музоқаралда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар барча жаҳонларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Томонлар ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 10 иккинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 10 иккинчи сессияси 2003 йил 29 август кунини эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди. Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 август кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатта олинди.

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлиси депутатлари фракциялари ва депутатлар блокларини таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисида 27 август кунини соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси ва “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 27 август кунини соат 16.00 да бўлади.

Олий Мажлисида 28 август кунини соат 15.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлиси депутатлари блоки, “Адолат” Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вақиллик органларининг Олий Мажлиси депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилди.

Олий Мажлисида 28 август кунини соат 15.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлиси депутатлари блоки, “Адолат” Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вақиллик органларининг Олий Мажлиси депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 10 иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи 26 август кунини якуновчи йиғилиш ўтказди. Йиғилиш ишчи гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров олиб борди.



Унда иккинчи қақриқ парламентининг 10 иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида олиб борилётган ишлар юзасидан кичик гуруҳлар раҳбарларининг ахборотлари тинтилди. Сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар депутатларга ўз вақтида юборилганидек, сийёсий партияларнинг фракциялари ва ҳокимият вақиллик органлари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларидан, сайловчилардан, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларидан тушган тақлифлар Олий Мажлис қўмиталарида диққат билан ўрганилиб, аксарияти қонун ҳужжатларини маромига етказишга ҳисобга олинди. Парламент қўмита ва комиссиялари фаолияти сессияга тайёргарлик кўриш даврида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилди. Сессия иши даврида депутатларга ташкилий-техник хизмат кўрсатиш, улар учун зарур шартнолар яратиш масалалари ҳам ҳал этилди.

Йиғилишда шу нарса таъкидландики, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ҳамда давлат ҳокимиятининг юқори органларини тақомиллаштириш, шунингдек, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини эркинлаштириш билан амалга ошириш зарурлигини сессияда муҳокама этилиши мамлакатимизда адолатли демократик давлат барпо этиши, Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлашда катта аҳамиятга эга.

Қонунлар лойиҳалари устида олиб борилётган ишларни давом эттириш, келиб тушаётган тақлиф ва фикр-мулоҳазаларни диққат билан ўрганиш ҳамда ҳисобга олиш, парламентнинг самарали ишларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни собиққадамлик билан амалга ошириш зарурлигини алоҳида урғу берилди. Шу билан бирга, тегишли хизмат бўлиmlарининг ахборотлари ҳам эшитилди.

Йиғилиш иштирокчилари олиб борилган тайёргарлик ишлари иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг 10 иккинчи сессиясини сийёсий, профессионал ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказишга кўмаклашди, деб ишонч билдирилди.

Иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг 10 иккинчи сессияси олдида

КҮН ТАРТИБИДА — ДАВР ТАЛАБЛАРИ РУҲИДАГИ ҚОНУНЛАР

БОРИС БУГРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари

Иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг 10 иккинчи сессияси 29 августда, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини арафасида иш бошлаётганлиги қонун яратувчиларнинг навбатдаги анжуманида алоҳида аҳамият бахш этиб, муҳим ижтимоий-сийёсий воқеа тусини беради. Олий Мажлис депутатлари мамлакатнинг асосий байрамига тайёргарлик кўриш асносида халқимиз ва давлатимиз тақдирини учун, жонажон Ватаннинг ҳозирги кунини ва истиқболни учун ўз жавобгарликларини янада тейроқ ҳис этмоқдалар.

Мамлакатимиздаги янгиланишлар мустақиллик шарофатидир. Айнан истиқлол ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган янги демократик жамият барпо этиши, қадимий ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарини ва урф-одатларини тиклаш сари илҳомлантирди, Ўзбекистон учун дунё эшикларини кенг очди ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрни эгаллаш имкониятини яратди. Давлат ҳокимиятининг энг муҳим институтларидан бири — миллий парламентнинг ривожланишидаги сифат жиҳатидан янги босқич ҳам айнан мустақилликдан бошланган.

Олий Мажлис ташкил топан дастлабки кунлариданоқ ўз фаолиятини ёш суверен давлатни мустақамлаш, ҳаётимизнинг барча жиҳатларини ислох қилишнинг кенг ҳуқуқий базасини яратиш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш ишига бўйсундириди. Депутатлар парламентининг асосий вазифасини мамлакатдаги ўзгаришларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, ёш мустақил давлатни қарор топтиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Қарин

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат активларини реал муқдорларга солиш, шунингдек, ушбу корхоналарни замонавийлаштириш ва барқарор ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар: Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш тўғрисидаги Низом; Хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат активлари бошланғич нархини босқичма-босқич пасайтириш тартиби тўғрисидаги Бизнос тасдиқлансин.
2. Давлат мулкнинг корхоний инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказишни Давлат комиссияси (Р.С.Азимова): инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан бепул берилган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари, паст ликвидли объектлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш; истисно ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хулосасига кўра инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатта узийтириш воқолати берилсин.
3. Белгилан қуйилсинки: давлат корхоналари ва объектлар фақат танлов асосида энг яхши инвестиция лойиҳаларини ва корхонанинг кредиторлик қарзини тўлашни ўз ичига олувчи мажбуриятларни тақлиф этган инвесторларга инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан бепул берилди; корхона (объектни) инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан бепул олган инвестор томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки зарур даражада бажарилмаганда;

(Давоми 3-бетда).


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида

2003 йил пахта ҳосилини ўз вақтида ва уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш, тузилган контрактация шартномалари бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта хомашиси етиштиришда бозор принципларини амалга ошириш ва уни етиштиришни ташкил этишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 19 февралдаги 93-сон қарорига мувофиқ; пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пахта хомашиси етиштиришни кўпайтиришдан манфаатдорлигини рағбатлантириш мақсадида белгиланган прогноз ҳажмларидан ортиқча етиштирилган пахта хомашиси учун жорий ҳисоб-китоблар ягона харид нархларидан 20 фоиз ортиқ булган шартномавий нархлар бўйича амалга оширилиши белгилан қўйилганлиги; етиштирилган пахта хомашиси учун якуний ҳисоб-китоблар уни пахта толасига қайта ишлашга тола чиқиши ва ишлаб чиқарилган пахта толасининг сифатига қараб ҳамда жаҳон бозорига шаклландирилган нархлар конъюктураси ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида” 2002 йил 20 августдаги ПФ-3114-сон Фармонини бажариш юзасидан жорий йилнинг 27 августига қадар жаҳон бозорига пахта толаси учун шаклландирилган нархлар конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда харид нархларини белгилансин ва бир ҳафта муддатда пахта етиштирувчи хўжалиқларга харид нархлари прејскураининг ва ҳисоб-китоб қилиш тартибини етказсин.
- Қўлда ва машинада терилган пахта учун ҳақ тўлаш пахта ҳосилини йиғиштириб олиш учун ўтган йил тўланган ҳақ даражасидан каминда 10 фоиз ортиқ бўлиши керак.
- Пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари технология карталарига мувофиқ пахта хомашиси етиштириш харажатларини ва йиғим-терим шартларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, пахта ҳосилдорлигини ва молиявий имкониятларга қараб теримчиларга Ўзбекистон Республикаси Мо-

(Давоми 3-бетда).



BARAKAT ALFA
Tibbiy paxta ishlab chiqarish
qo'shma korxonasi



БАРАКАТ — АЛФА

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Ўзбек халқини энг гўзал ва энг азиз айём — МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН

табриклаш шарафига муяссар эканлигидан беҳад бахтиёрдир.

Озод ва ҳур яшаш учун қанча-қанча тўфону синовларни,
зулм ва ситамларни бошидан кечирган ўзбек халқи учун бу гўзал
айём абадий сақланиб, энг буюк ва энг улғ сана бўлиб қолажак.
Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайди ҳам.
Ишончимиз комилки, орадан йиллар ўтади, ўзбек халқи ҳаётида ҳали
бундан ҳам катта ўзгаришлар рўй беради.
Биз ушбу улғ айём ҳар бир хонадонга олам-олам бахт, севинч,
муҳаббат ва сиҳатлик олиб киришини тилаймиз.
Озодликнинг ҳаётбахш зиёси қалбингизни, хонадонингизни ва
умрингизни чароғон этаверсин!
Мана шу гўзал ва қутлуғ байрам барчамизга муборак бўлсин.
Ўзбекистоннинг истиқлоли абадий бўлсин, дунё тургунча турсин!
Хонадонингизни тинчлик, файзу барака
ва фаровонлик тарк
этмасин!



ABN·AMRO

АБН АМРО БАНК МБ ЎЗБЕКИСТОН А.Ж.

Меҳнатсевар ва меҳмондўст
Ўзбекистон халқини
буюк байрам —
Мустақиллик куни билан
чин қалбдан муборакбод
этади!

Барчангизга
оилавий бахт-саодат,
фаровонлик ва мустаҳкам
саломатлик тилаймиз!

Орол

Жамғармаси — Оролликларга

Куйи Амударё ҳав-
засида оқар сув ман-
баининг кўпайиши
экологик ҳалокат
марказида истиқомат
қилаётган Мўйноқ
тумани тараққиётида
янги саҳифалар оч-
моқда. Балиқчилик
ривож учун кенг йўл
вужудга келди. Ту-
мандаги кўл ва
қўлтиқларга 2,5 мил-
лиард кубометрга
яқин чуқур сув тўпла-
ниши вазиятнинг
ўнгланишига имкон
бермоқда.

Мўйноқликлар
ҳаётининг янада фар-
овонлашишига Хал-
қаро Оролни қўтқа-
риш жамғармаси ҳам
муносиб улғи
қўшмоқда. Жорий
йилнинг ўтган даври-
да жамғарма мўйноқ-
лик фуқароларга 22
миллион сўм кредит
ажратди. Бу кредит
уларга кичик ва ўрта
бизнесни, хусусий
тадбиркорликни ри-
вожлантиришда та-
янч бўлади.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НИЗОМИЙ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ

АМАЛИЙ ПСИХОЛОГЛАР ТАЙЁРЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР
БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАРНИ

ҚАБУЛ
ҚИЛАДИ:

- ⇒ ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИНГ ТИЗИМИ АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИ;
- ⇒ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИ АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИ;
- ⇒ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИ;
- ⇒ ХУҚУҚ-ТАРТИБОТ ОРГАНЛАРИ АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИ;
- ⇒ ОИЛА АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИ.

Юридик шахслар — ишлаб чиқаришдан корхонасининг, идора ёки корпорациянинг,
акционер жамоасининг вакиллари — уч томонлама шартнома асосида банк орқали,
жисмоний шахслар — икки томонлама шартнома асосида нақд пул билан факультетнинг
ҳисоб рақамига тўловлари тўланади.

Кундузги бўлимда ишлаб чиқариш ажралган ҳолда, ўқиш муддати — 9 ой,
сиртки бўлимда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда — 15 ой.

Тингловчилар ётоқхона билан таъминланади.

Давлат аттестация натижалари асосида мутахассис дипломи берилади.
Ҳужжатлар 2003 йил 25 августдан 20 сентябргача қабул қилинади.
Ўқиш 2003 йил 1 октябрдан бошланади.

Факультетда ўқиш истагини билдирганлар 3-бинонинг 3-21 хонасига
қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:



- олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг
нусхаси;
- диплом кўчирмасининг баҳолар билан
нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- паспортнинг ксерокс нусхаси;
- шахсий варақа;
- 4 дونا фотосурат (3x4);
- 086 шаклдаги тиббий маълумотнома.

Манзил: 700070, Тошкент ш., Братислава к., 3-«А» уй.

Телефон: (3712) 55-49-31.

Мўлжал — Бобур боғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚУЙИДАГИ
САВДО БЕЛГИЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИ:

«YAULA», «SANA»

МАРГАРИНЛАРИ;

«FAX», «DURU», «SAVOY»,

«ARKO», «PAMELA»

ТОЗАЛАШ ВА ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ;

«SAFIR», «SIMFER»

МАИШИЙ ТЕХНИКАЛАРНИНГ

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ БЎЛГАН

ҚЎШМА КОРХОНАГА

ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ
УЧУН ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА
МИНТАҚАВИЙ ДИЛЕРЛАР КЕРАК.

Маълумот учун телефон: 186-92-21.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРАТИ

ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

Қуйидаги
лавозим-
ларга
танлов
эълон
қилади:



Танлов
муддати
эълон чоп
этилган
кундан
бошлаб
— 1 ой.

Манзил:
700059,
Тошкент ш.,
У. Насир
кўчаси,
183-уй.

- ⇒ клиник ординатура
(бюджетдаги) — 2та ўрин;
- ⇒ клиник ординатура
(шартномадаги) — 2та ўрин.


COSCOM

Азуз дўстлар!

*Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий Ҳамажамий
12 йиллиги муносабати билан
COSCOM компанияси
сизларга тижлик, бахт ва
саодат тилаб қолади!*

*Совза тарикасида
янги кизмай*

SMS



ЕНГИЛ МУЛОҚОТ

COMVERSE
МАҲСУЛОТИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар


Мумбайда портлаш

Инсоният ўзи яратган қирғин қуролларидан бугун ўзи жафо чекмоқда, ўзи жабр кўрмоқда. Бунга мисоллар жуда кўп. Оммавий ахборот воситаларини кузатсангиз, деярли ҳар кун қаердадир бомба портлагани, қаердадир одамлар миёна дуч келгани, натижада ўлаб, баъзан юзлаб бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарларни ўқисиз.

Душанба кунини Ҳиндистоннинг молия маркази ҳисобланмиш Мумбай (илгариги Бомбей) шаҳрининг бир неча жойида кетма-кет бомба портлади. «Мумба Деви» ибодатхонаси ва «Ҳиндистон дарвозаси» мажмуи яқиндаги портлашлар айниқас даҳшатли бўлди. Кўпгина дўконлар, маъмурий бинолар вайронага айланди.

Сўнгги маълумотларга қараганда, ҳалок бўлганлар 45 кишини, тан жароҳати олганлар эса тижасида 250 киши ҳаётдан қўз юмган эди.

Мумбайдаги нотинчликлар ким амалга оширгани маълум эмас. Полиция жиноятчиларни қидирмоқда. Айрим мутаассидлар портлашларни мамлакатдаги «Ҳиндистон ислом талабалари ҳаракати» амалга оширган бўлиши мумкин, деган тахминларни билдирмоқда. Аммо бу ҳозирча исботлангани йўқ.



140 кишини ташкил этган.

Маҳаллий полициянинг хабарларига қараганда, барча портлашлар таксиларга қўйиб кетилган бомбалар туфайли содир этилган. Бу қўпуровчилик Мумбайда биринчиси эмас. Шаҳарда 1993 йилда содир этилган қўпуровчилик натуфайли мамлакатнинг барча шаҳарларида, жумладан пойтахт Деҳлида хавфсизлик чоралари кўрилди. Полиция мудҳим аҳамиятта молик давлат ва жамоат биноларини, ибодатхоналарни қучайтирилган режимда қўриқмоқда.

Ҳозирча бу хунрезликларни Нима бўлганда ҳам, Ҳиндистондаги бу кўнгилсиз воқеалар жаҳон аҳлини яна бир бор терроризм балосидан огоҳ этди. Ҳар қандай қўпуровчиликларга қарши қучларни бирлаштиришга чорлади.

Б. УММАТОВ.

Жиноятчилар барибир жазоланади

Австрияда мамлакатда яширин кун кечираётган нацистларни топиш ва судга топширишга қаратилган «Сўнгги имконият» тадбири бошланди. Маълумотларга қараганда, собиқ СС, СА ва вермахтининг ҳарбийлари яшаётган жойлари ҳақида хабар берганларга катта миқдорда пул мукофоти берилди. Симон Визентель маркази маълумоти қараганда, Австриянинг Исроилдаги элчихонасига ҳарбий жиноятларда айбланётган 47 нафар австрияликнинг исм-фамилияси қайд этилган ҳужжат топширилган.



РИА «Новости».

«Толибон»га қарши янги амалиётлар

Афғонистоннинг жанубидаги Забул музофотида америкалик ва афғонистонлик ҳарбийлар томонидан толибларга қарши ўтказилган ҳарбий амалиётлар натижасида 50 нафардан зиёд «Толибон» жангарилари йўқ қилинди. Бу ҳақда Афғонистон ҳукумати вакили Ҳамидулло Ватандўст маълум қилди. Унинг айтишича, амалиётларда Америка ҳарбий ҳаво қучларининг қирувчи самолётлари ҳам иштирок этди.



CNN

АҚШ сўзида собит

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд Ироққа қанча ҳарбий керак бўлса, шунча юборилишини маълум қилди. Унинг айтишича, аскарлар Садам Хусайн тарафдорлари ва бошқа душманларни йўқ қилиш учун етарли қурол-аслаҳа ҳамда техника билан таъминланади. Шу билан бирга Рамсфелд агарда Марказий қўшинлар қўмондони Жон Абизайд яна зарур деб топса, ҳарбий қучлар сўзсиз берилди деди.

Associated Press

Ҳарбий база ўққа тутилди

Польшанинг Ироқдаги Карбало шаҳрида жойлашган ҳарбий базаси ўққа тутилди. Ҳозирча ҳодиса тафсилотлари аниқланмоқда. Польшанинг Ироқдаги зонаси Бағдод билан Басра ўртасидаги худудлар бўлиб, бешта музофотни қамраб олган. Умуман, Польшанинг Ироқдаги секторида 20 давлатдан келган 9,5 минг ҳарбий хизмат қилиши кўзда тутилган. Зона назорати поляларга сентябрдан бошлаб ўтади.



BBC



Янги раҳбар иш бошлади

БМТнинг Косово бўйича фуқаролик миссияси (УНМИК)нинг янги раҳбари, Финляндиянинг собиқ бош вазири Харри Холкерн ўз лавозимини расман эгаллади. УНМИКнинг Приштинадаги ваколатхонасидан маълум қилишларича, Холкерн душанба кунини Косово ҳукуматининг аъзолари билан БМТнинг Ироқда ўлдирилган ходимларни хотирасига бағишланган маросимда иштирок этди. Холкерн бундан бирмунча илгари Косового қилган сафари чоғида, УНМИКнинг ушбу ўлкадаги раҳбари сифатида БМТ ХКнинг Косово бўйича 1244 резолюциясини бажариши, ўлка иқтисодийтини яхшилаш ва жиноятчиликка қарши кураш, кичик миллатларнинг тинч-тотув яшашини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлаганди.

Сербиянинг Косово ўлкаси 1999 йилнинг июнь ойидан бошлаб БМТ бошқарувига ўтган. БМТнинг Косоводаги фуқаролик миссияси жаҳон ҳамжамиятининг энг йирик миссияларидан бири бўлиб, унда 2000 нафардан зиёд ходим ишлайди.

РИА «Новости».

Террорчилар ҳибсга олинди

Исроил ҳукумати мамлакатда яширин фаолият юритаётган террорчилик ташкилотларининг бир неча



аъзосини ҳибсга олгани ҳақида маълум қилди. Хабарларга қараганда, бундан ўн кун олдин қўлга олинган Села Тор қотиллик, ўқотар қуролга ноқонуний эга бўлганлик ва фаластинликларга қарши террорчиликлар уюштирилганда айбланмоқда. Бундан ташқари, сўнгги икки кун ичида террорчиликда айбланмаган яна ўттиз киши ҳибсга олинди.

Ha'aretz.

Олти томонлама музокаралар

Шимолий Корея делегацияси Пекигда АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Япония ва Хитой вакиллари билан Пхеньянинг ядровий дастури масаласини ҳал этиш учун олти томонлама музокараларга етиб келди. Бугун бошланган музокараларда қатнашувчи беш давлат вакиллари ҳам Пекигда бундан икки кун олдин ҳозир бўлишганди.

Reuters

Руандада президент сайловлари

Сўнгги маълумотларга қараганда, Руандада бўлиб ўтган президент сайловларида амалдаги президент Пол Кагаме етакчилик қилмоқда. Бу ҳақда мамлакат марказий сайлов комиссиясидан хабар тарқатилган. 106 округдан 51 тасида сайлов натижаларига кўра, Кагаме 94,3 фоиз овоз олган. Унинг рақиби эса бор-йўғи 3,5 фоиз овозга эга бўлиб турибди.

CNN

Ташкилот ва корхоналар диққатига! ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕР)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИНИНГ ВИЛОЯТЛАР ФИЛИАЛЛАРИ ҚУЙИДАГИ ИНШОТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Республика виллоятларининг шаҳар ва туманларида 2003 йилда танлов (тендер) асосида ўтказилиши мўлжалланаётган янги қуриладиган спорт иншоотларининг рўйхатини маълум қилади.

- Қорақалпоғистон Республикаси**
- Кегейли туманининг Кегейли шаҳрида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак.**
 - Амударё туманининг Қипчоқ шаҳрида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак.**
 - Нукус шаҳридаги ботаника боғи ҳудудда спорт иншооти қурилиши (индивидуал лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2004 йилга ўтувчи. Буюртмачи — Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси қoшидаги қурилиш дирекцияси. Манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Гарезсизлик кўчаси, 59-«А» уй. Телефон: 222-74-12.**
- Бухоро вилояти**
- Ғижувон шаҳрида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак.**
 - Жондор туманининг А.Ражабов номи ширкат ҳўжалигида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак.**
 - Бухоро туманининг У.Юсупов номи ширкат ҳўжалигида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак. Буюртмачи — Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси қoшидаги қурилиш дирекцияси. Манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 5-уй. Телефонлар: 223-96-29, 223-97-51.**
- Жиззах вилояти**
- Миразқўл туманининг Гагарин шаҳрида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак.**
 - Жиззах шаҳрининг «Фунча» болалар боғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак. Буюртмачи — Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси қoшидаги қурилиш дирекцияси. Манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй. Телефонлар: 226-14-66, 226-05-42.**
- Қашқадарё вилояти**
- Қамаши туманининг Чим қишлоғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак.**
 - Шарҳисабз туманининг Чоршанба қишлоғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак.**
 - Ғузор туманининг Ғузор қишлоғида спорт иншооти қурилиши (II лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак. Буюртмачи — Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси қoшидаги қурилиш дирекцияси. Манзили: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уй. Телефон: 221-07-79.**
- Навоий вилояти**
- Зарафшон шаҳрининг «Янги Зарафшон» маҳалласида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак.**
 - Қизилтепа туманининг «Работ» маҳалласида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак.**
 - Хатирчи туманининг М.Улугбек номи ширкат ҳўжалиги маҳалласида спорт иншооти қурилиши (II лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак. Буюртмачи — Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси қoшидаги қурилиш дирекцияси. Манзили: Навоий шаҳри, С.Айнинг кўчаси, 32-уй. Телефон: 225-53-85.**
- Наманган вилояти**
- Янгиқўрғон туманининг Искавот қишлоғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак.**
 - Норин туманининг Қўшчеки қишлоғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2004 йилга ўтувчи. Буюртмачи — Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси қoшидаги қурилиш дирекцияси. Манзили: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй. Телефонлар: 6-14-50, 6-47-91.**
- Самарқанд вилояти**
- Пахтачи туманининг «Пахтакор» ширкат ҳўжалигида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак.**
 - Боғишамол туманининг Сартепо масканда спорт иншооти қурилиши (II лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак.**
 - Қўшработ туманининг Қўшработ шаҳарчасида спорт иншооти қурилиши (II лойиҳа хили). **Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 2003 йил IV чорак.**

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги бўш айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчаси — танлов савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг виллоятлар филиалларида юқорида қайд этилган манзиллар бўйича мурожаат этиш мумкин.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчаси томонидан юқоридаги манзилларда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчасига тақдим этишининг охириг мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилларда ўтказилади.

Ўйиндан ташқари ҳолат

Шумахер «Ювентус»да

Италия газеталарининг хабарига қўра, «Формула-1» пойғалари бўйича беш карра жаҳон чемпиони Михаил Шумахер «Ювентус» футбол жамоаси вакиллари билан шартнома имзолади. Бу билан у клуб машғулотларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.



«Пойга қироли»нинг айтишича, у болалигиданоқ «Ювентус»га мухлислик қилган ва шу бонсу ушбу шартнома ималга оширди. «Формула-1» пойғаларида тенгсиз эканлигини кўрсатиб қўлган Шумахер футбол мутахассисларининг ҳам эътирофига сазовор бўлди. «Машғулотлардан аввал унга нима қилиш лозимлигини айтдим. У эса кўрсатмаларимни сўзсиз бажарди. Футболчилардан қoшиқмавлани намойиш этди. Ҳақиқий профессионал спортчи шундай бўлиши керак», дейди Италия жамоасининг мураббийи Марчино Липпи.

Беллашув нега тўхтатилди?

Ўтган чоршанба кунини дунёнинг бир қатор футбол майдонларида ўртоқлик учрашувлари ўтказилди. Шулардан бири Дамашк шаҳрида бўлиб ўтган Сурия ҳамда Ливан



терма жамоалари ўртасида баҳс биринчи бўлимидан сўнг тўхтатилди. Гап шундаки, биринчи бўлим якунлангандан сўнг, танаффус пайтида ливанлик футболчилар кийим алмаштириш хонасига қайтганда, не кўз қаёққа қаршисиники, ҳамма нарсас, ҳатто паспортлар ҳам ўғирлаб кетилганди. Бунга жавобан меҳмонлар 0:0 ҳисобида тўхтатган ўйинни давом эттиришга розилик беришмади. Сурия футбол федерацияси расмийларга барча ҳаржатларни қoлашга ваъда беришиб, Ливан терма жамоа аъзолари майдонга қайтаришганда эса томошабинлар тарқалиб бўлишганди.

Футбол майдонидаги қабрлар

Ўз сеvimли жамоалари мағлубиятга учраса, футбол ишқибозларининг жанжал кўтариб, турли талафотларни келтириб чиқарганликлари ҳақида кўп бор эшитганмиз. Лекин Хорватиянинг «Хайдук» клуби навбатдаги учрашувида имкониятни бой бермагач, маҳаллий аҳоли антиқа жавоб қайтаришди. Улар Сплит шаҳрида жойлашган «Хайдук» ўйингоҳига тунда бостириб киришиб, ям-шил майдонда ҳар бир футболчига қабр қазинган. Бундай эътирозга ўтган мавсумни иккинчи ўрин билан якунлаган жамоа бу йилги биринчиликни галаба билан бошламаганлиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда. «Ўз майдонида кучсиз саналадиган «Инкер»га 1:4 ҳисобда ютқазиб қўйган жамоадан қандай қилиб чемпионлик куттиш мумкин? Биз бу йил «Хайдук»дан чемпионликни кутайтган эдик», дейди маҳаллий мухлислардан бири. Шунингдек, сплитликлар УЕФА кубогинда Финляндиянинг «Хакка» жамоаси устидан муваффақиятга эришолмаганлиги майдонда қабристоннинг пайдо бўлишига замин яратди, деб ёздаи Хорватия газеталари.

Дилмурод ПАРПИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Куни кеча Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбоблари Юртбошимиз Фармонига кўра «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. Улар қаторида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухрат (Ғулом Алимов) ҳам бор.

«...УМРИМ ШЕЪРИМДА ҚОЛДИ»



Шеър ўқиганда кишининг руҳи ўзгача бир завқдан яйраши, вужудида ўта нозик ғалаёнлар рўй бериши, юрагида бетакрор маънавий-руҳий манзаралар чизилиши керак. Бир лаҳза бўлса-да, ўқувчининг шеър дунёсига гарқ бўлиши, дилбор ва ғўзал мисралар қаноғатидан парвоз қилишининг ўзи бахт. Бундай пайтда унинг вужуди кенгликларни қўчоғи, руҳ зиналаридан юқориламоғи даркор.

Таниқли шоир Шухратнинг шеърларини ўқиганда киши шундай ажиб ҳолатларга тушади. Шоир шеърини тугулишини шундай таърифлайди:

Юрагинг олови,
Юракдан сиқилган
томчи-томчи қон...

Шеър аслида юрак чўғидан пайдо бўлади. Юракдан ловуллаб тўқилган мисралар ҳеч қачон завол бўлмайди, дафтар саҳифаларида қойиб қетмайди. Юрак тубидан қайнаб чиққан ўгли сатрлар ўз-ўзидан шеър-параст юракларга қўнади, алаббетта ташна юраклардан ўрин олади:

Шеърим, дунёга
кедлингми шу он
Исмимда қолма, куй!
Майли, ногаҳон —
Қўлимдан варракдек
узалиб кетсанг,
Турналар сабига
тишилиб кетсанг...

Сўнг шоир шеърга шундай қатъий талаб қўяди: «Қанотсиз куш каби учмай қолсанг, яхшиси, бу дунё эзини кўрма, ёш тўққан шоирнинг кўзини кўрма!» Ана шу юрак талабидан келиб чиқиб баҳолайдиган бўлсак, Шухрат ижодида хали кўп замонлар яшаган ҳаққи бор шеърлар мўл-кўлгини кўрамиз. Ва ишонч билан айта оламизки, шоирнинг катта қалб ва ўшқин юрак билан ёзган шеърлари ўзбек шеърини бўстонидан алдақачон ўрин олган ва унинг ажралмас бир бўлигига айланган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси,

таниқли адиб ва шоир Шухрат ҳаёт бўлганида бу йил 85 ёшга тўлган бўларди. Шу муносабат билан «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририятини шоирнинг турли йилларда ёзилган сара шеърларидан жамлаб, «Сенинг севгинг» номи билан чоп этди. Юқорида айтилганидек, китобдан асосан шоир юрагининг олови, гули бўлган шеърлар ўрин олган. «Ен, чирогим» туркумидagi шеърларида кўпроқ Ватан меҳри, она-ер соғинчи, табиат ва инсон муносабатлари, ижод завқига азоблари, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, яхшилик ва ёмонлик мавзулари ёрқин мисраларда очиб берилган. Яхшилик, яхши инсон ҳақида Шухрат ҳамма ҳамма алоҳида меҳр билан ёзди:

Одаммисан, эзу шидан
қўл узма,
Нокасларга шафқат қилма,
қўл чўзма!
Яхшиларнинг елкасида
бу олам,
Яхшиликни ният
қилсан ҳар одам!

ёки:
Ижод қилдим
виждоним тикиб,
Ижод қилдим
умрим бағишлаб,
Ёмонликни фош этиб, сўйиб,
Яхшиликка ундаб, оқшилаб!

Шоир доним таъна тошларини отиб юрчи ёмон кимсаларга қарата: «Эй, таъна тошларин отган кишилар. Сизни ҳам юрагим бугун олдишлар!» дейди. Кечириси ҳам, бағрикенглик ҳам фақат яхши одамга хос фазилатлар. Биламизки, Шухратнинг ҳаёти ва ижоди бир текис, силдиқ кечмаган. Қамқоқ азобларидан таъқари ён-атрофидаги «дўстлари» ҳам улкан ижодкорга гоҳ ошқор, гоҳ пинҳона таъна тошларини отиб юрган. Лекин мард ва бағри кенг шоир ҳамма-ҳаммасини яхшилик ва яхши асарлари билан енгиб яшаган.

Умр кўрдим аччиқ-чучуқ,
Йўллар юртим наст-баланд,
Довон ошдим, гоҳо кечик,
Туз тотидим, гоҳо қанд...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Ўткир Хошимов ёзганидек:
«Шоир Шухрат замон азобларидан йиқилиб, тўшака ёпишиб қолган чоғида хали кўп замонлар яшаган ҳаққи бор шеърлар мўл-кўлгини кўрамиз. Ва ишонч билан айта оламизки, шоирнинг катта қалб ва ўшқин юрак билан ёзган шеърлари ўзбек шеърини бўстонидан алдақачон ўрин олган ва унинг ажралмас бир бўлигига айланган.

Қоқилган кишига
тиргак бўлмасам,
Энг оғир кунда
керак бўлмасам,
Юраги ёнида юрак
бўлмасам,

Яшанинг қизғин
йўқдир мутлақо!..

Китобдан ўрин олган «Сенинг севгинг» туркуми шеърини муҳлисларига яхши таниш. Шоирнинг ҳаётлик вақтида ушбу номда чоп этилган китоби қўлма-қўл бўлиб ўқилган, ёд олинган, кўпгина шеърлари таниқли санъаткорлар томонидан қўшиқ қилиб қуйланган. Шоир соф ва беғубор муҳаббатини, вафо ва садоқатини юксакларга кўтаради. «Умр йўлдошимга», «Севгинг талаби», «Гул узмоқчи бўлсам», «Сени севдим», «Кел, жоним, бўстонимга», «Чал, ғўзал», «Ҳали ҳам ушасан» сингари шеърларида ошқ юрагининг иштироблари, дарду қувончлари турфа манзараларда, ҳолатларда очиб берилган. Масалан, «Юрагининг кўзи бор» шеърини бундай бебаҳо сатрлар бор:

Сени қандай
таппаб олди, айт,
Юрагининг кўзи бўлмасам!
Сени қандай
севиб қолди, айт,
Агар айтар сўзи бўлмасам.

Забардаст адиб ва бетакрор шоир Шухрат ҳақиқий маънода айтар сўзбор бўлган улкан тун узоқ. «Кавказ дафтари» туркумларидан ўрин олган шеърларини ўқиганда ҳам ҳис қилиш мумкин. Ўзбек шеърини Кавказ мавзусини Шухрат акачалик ҳеч бир ижодкор катта меҳр ва жозоба билан қалама олмаган. «Кавказ дафтари»ни ўқирганимиз, гўё Бокун қўчаларида, «Шинель кийган ёлғизимни соғиниб келдим», дейсиз. «Арман раққосаси» уйинларига мафтун бўласиз. Тиблисиди яуркансиз, «Мен ёмонлик кутмайман ҳеч дўсту ёрдан», деб ҳайқирасиз. «Қалбингизда умрбод қолган» Каспий тўқиларини соғинасиз. «О, Қазбек, улуг зот, машури олам» деб ҳайрат билан боқасиз. Ва бу сатрлар йиғилиб қалбингизда бетакрор Кавказ манзараларини чизиб ўталади.

Китобини ўқирганимиз, ундаги шеърларни шоир юрагининг кўзи билан кўрасиз, шоир юрагининг дардлари ва завқи билан ўқийсиз. Ва ғўзал шеърлар сизнинг ҳам юрагингизнинг маънавий мулкига айланади. Шунда сиз ҳам шоирнинг ушбу ўгли мисраларини беихтиёр тақрорлайсиз:

Бутун умрим
шеъримда қолди,
Меҳрим она-еримда қолди.
Ашурима ЖўРАЕВ.



Танбур таронаси-ю най навосини тинглаганда ҳар қандай одам сел бўлиб кетиши мўқаррар. Қуйлардаги мунг, дарф, мадин эсаётган шободани эсатса, шўх-шодон қўйлар, ўйноқчи оҳанглари дарё шовқинига қиёе қилгудек. Шу боис ҳам ўзбек мусиқа асбоблариға нафақат Марказий Осиёда, балки жаҳоннинг бошқа жойларида ҳам қизиқчи юқори. Бузеин ушбу чолғу асбоблариға кўнчиқар мамлакат таниқли мусиқашунос олимларининг ҳам назари тушган. Яқинда Токио миллий университетининг бир гуруҳ олимлари юртимизда бўлишиб, Бойсунинг бахшилари қуйлаган достонлар, фарғоналикларнинг шўх лапарларини Андожоннинг ўзланларини тингладилар. Ўзбек чолғу асбобларинини сеҳриға тасаннолар айтдилар.

СУРАТДА: япониялик мусиқашунослар Акио Одака, Токио миллий университети профессорлари Гэньячи Цүгэ ва Томая Таки ўзбек мусиқа асбобларини кўздан кечиришадир.

Р. ШАҒАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Болалар учун энг зўр совға

Тажрибали қурувчи Абдуғани Сангинов раҳбарлик қилаётган Тўпаланг сув омбори ва ГЭС қурилиши ҳиссадорлик жамияти қурувчилари Мустақиллигимизнинг 12 йиллик тўйига Сариев тўмани ёшларига ажойиб совға қилди. Бу 2000 томошабин ўринга эга стадион, волейбол, баскетбол майдонлари, югурин йўлакчаси, ювиниш-кйиниш хоналари, меҳмонхона, тиббий хона ва бошқа шундай қулайликларга эга бўлган болалар спорт мажмуасидир.

— Бу спорт мажмуини, ямийил майдон ва ишқибозларнинг кўриб кўриш ҳам майдонга тушиб тўнг тегим келаяпти, — дейди ҳавас билан стадион жойлашган Хуфар қишлоғи-

нинг кекса отахони Очил бобо Абдураимов.

Хуфар қишлоқ фуқаролар йиғини худудиди 13 та умумий ўрта таълим мактаби жойлашган. Эндилкида бу билим даргоҳларининг спортга ошно ўқувчилари исталган пайтда энг замонавий спорт мажмуасидан фойдаланиш имконига эга бўлишди.

— Болалар спорт мажмуасини ташкилотининг фойдаландируди ва Сариев тўман ёшларига ҳая қилдик, — дейди Тўпаланг сув омбори ва ГЭС қурилиш ҳиссадорлик жамияти раиси Абдуғани Сангинов. — Бу ишимиз Президентимизнинг болалар спортини ривожлантириш тўғрисидаги Фармони ижросини таъмин-

лаш йўлидаги дастлабки қадамимиздир. Келгусида бу йилги ишни давом эттириб, спорт мажмуининг иккинчи босқичини, қишқик спорт зали, сузиш ҳавзаси, кураш зали ва бошқа қўшимча спорт иншоотларини қуриб беришни зиммамизга олдик. Токи, Юртбошимиз айтганидек, пойтахтдаги ўқувчилар фойдаланаётган шартнолардан олис тоғ қишлоқларида яшаётган болалар ҳам баҳраманд бўлисин.

Спорт мажмуаси очилган кунни туманининг ёш спортчилари янги йўнгоҳда илк мусобақани ўтказди.

Қудрат ХУДОЙБЕРДИЕВ,
журналист.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси қарорига биноан, пойтахтда 1995 йилда Урология илмий маркази ташкил этилган эди. Ушбу марказ ўтган йилларда республикамизда урология соҳасида етакчи илмий-тадқиқот, даволаш ва ўқув-малака ошириш маскани бўлиб келди.

Марказнинг клиник шифонасида 110 та ўрин бор. Беморни қайта оёққа қўйиш (реанимация) ҳамда тезкор терапия бўлимида 12 та ўрин мавжуд. Бу ераги 8 та хона беморлар учун энг юқори қўлайликларга эга даражада жиҳозланган.

Марказда 200 дан ортиқ мутахассис ходимлар фаолият олиб бормоқда. Улардан 50 нафари урологиянинг турли соҳалари бўйича энг юксак малакали врачлардир. Шифонада 70 нафар тиббий ҳамшира ва лаборант меҳнат қиляпти. Ҳар йили Марказ поликлиникасига ўртача 8 мингдан зиёд бемор мурожаат қилади. Улардан 3 минг нафари амбулатория шартларида даволанади, 2500-3000 беморга эса жарроҳлик йўли билан даволаниш услублари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чоралари бўйича бағишланган Фармонига асосан, Урология илмий маркази негизинда Республика ихтисослаштирилган урология маркази ташкил этилди. Шундай қилиб, ушбу Марказнинг мавқеи янада мустаҳкамланди.

Марказга халқроқ миқёсда таниқли уролог олим ва шифокор Европа урологлари уюшмаси аъзоси, профессор Дмитрий Львович Арустамов раҳбарлик қилмоқда. «Давлатимиз раҳбарининг Фармони асосида ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг вужудга келиши тиббиётда болонган ислохотларни янги сифат босқичига кўтаради, — дейди биз билан суҳбатда Дмитрий Львович. — Фар-

монда бундай марказларни шакллантиришнинг мустақкам молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларидан асослаб берилган. Жумладан, ушбу марказлар 10 йил муддатга барча турдаги солиқлар, божхона тўловларидан озод қилинади. Бўшаган маблағлар эса марказларни ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтирилади. Бу — тиббиёт риво-

рологик касалликларни даволаш, таъхислаш, уларнинг профилактикаси билан боғлиқ долзарб масалаларга бағишланган илмий-амалий анжуманлар мунтазам ўтказиб турилади. Бу анжуманларда магистрантлардан ташқари врачлар ҳам қатнашади. Яна бир муҳим тадбир шунки, Марказда шу йилнинг июнь ойидан бошлаб, врачларнинг Европа андоза-

ифодаланган тавсияномаси асос қилиб олинган.

Маълумки, 2007 йилда умуман республика шифокорлари малакасини лицензиялаш ва сертификатлаш тадбирининг биринчи босқичи бошланади. Шунга боғлиқ равишда, Республика ихтисослашган урология марказида йўлга қўйилган таълимнинг янги тизими алоҳида аҳамиятли бўлиб, шу 5

логлар ҳам таклиф этилиб, бу тавсияномалар улар орқали жойларга етказилди. Бу жуда зарур. Жойларда урологик беморларни ҳар бир мутахассис шифокор ўз савияси даражасида даволашни сир эмас. Юқоридаги тавсиянома уролог врачларга янги, европача савия ва малака бағишлайди.

Марказ мутахассис кадрлар тайёрлашда Врачлар малакасини ошириш институти билан яқин ҳамкорликда ишламоқда. Бу ерда уролог врачлар малакасини лицензиялаш ва сертификатлаш учун уларни қайта тайёрлаш бўйича махусус ўқув-амалиёт дастури ишлаб чиқилди. Урология бўйича қайта тайёрлаш ушбу марказда ўтказилади. Энг сўнгги даволаш ва таъхислар техникаси ва технологиялари билан республикадаги бошқа уролог врачлар таништирилади. Бу жуда муҳим. Сир эмас, айнан ана шу қимматбаҳо янги тиббий техникалар ва технологиялар, жойлардаги врачларда уларни ишлатиш малакасини бўлмаганлиги сабабли, айрим вилоятлар ва туманларда бекор турибди. Марказ маҳаллий врачларда янги тиббий техникаларни шакллантирмоқда.

Президентимиз Фармони, жумладан, Республика ихтисослаштирилган урология марказига ўз имкониятларини ёрқин намоен этиш учун катта имкониятлар яратди. Ҳозирги кунда бу ерда юксак малакали урология хизмати йўлга қўйилган. Марказда даволаш ва таъхислашнинг илғор усуллари алдақачон ўтилган. Урологик касалликлар эндоскопик усулда тез ва аниқ таъхисланади. Тегисиз, эндоскопик жарроҳликнинг моҳир усталари бор бу ерда. Бу даргоҳда ватандошларимиздан ташқари қатор кўпчи давлатлардан, пойтахтнинг хорижий элчионалар, турли ваколатхоналардан ҳам келиб даволанмоқда ва марказнинг халқроқ андозлардаги хизматидан мамнун бўлмоқдалар.

М. САФАРОВ.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар ишлаб чиқарувчи, таъминоти таъхислотлари, фирмалар ва тадбиркорлар диққатини!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Фарғона шаҳридаги 825/200 ўқувчи ўринга йўлланган Ермозор академик лицейининг ётқонхона биноси қурилиши учун зарур бўлган электр плиталарини харид қилиш бўйича

тендер эълон қилади.

№	Хом-ашё ва материаллар номи	Учвос бўлиши	Талаб миқдори
1.	2 конфоркали отажеркали электр плиталари	дона	16
2.	2 конфоркали электр плиталари	дона	1

Манзили: Фарғона шаҳри, Мадалиев кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 24-54-57, 24-02-79.

Молиялаштириш давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ташкилот ва корхоналар қўйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Фарғона вилояти филиалига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А» уй
(Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошқармаси)
Телефон: 26-82-93, факс: 26-43-19.

Бир тўққиз тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўн.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади. Тендер савдолари эълон мавзуботда чоп этилгандан бошлаб 30 кун ўтгандан кейин юқоридagi манзилда ўтказилади.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Республика Бош прокуратураси бўлим бошлигининг ўринбосари Наримон Божоновна палари бузуқкорлиги Марҳум ота БОБОЖОНОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси Маҳаллий ахборот тахририятини бош муҳаррирининг ўринбосари Бахтиёр Мацисуроня оғини ХАЙРИНҚО аъзининг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.	Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат ташкилотлари институтининг ўқув ишлари бўйича собиқ проректори, медицина фанлари доктори, клиник фармакология кафедрасининг профессори Камаритдин НАДЖИМУДДИНОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онда аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.	«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари қасаба уюшмаси марказий қўмитаси компания раисининг собиқ ўринбосари, фахрий темирйўлчи, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Қўчқор КАМОЛОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онда аъзоларига чуқур ҳамдардик изҳор этади.	«Ўзбекино» компанияси, Ўзбекистон кино арбоблар бирлашмаси меҳнат фахрийси, кинооператор Уктам Ризаев акаси Комилжон РИЗАЕВ нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.
--	---	---	---	---

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, О. Қашбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхона билан алоқа ва миктақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма 1 — 768, 22690 нускада босилган,
ҳаёми — 2 тибик. Об'ект вужуди босилган.
Котга бичими А-2
Газета ИВМ компьютеризация теринди ва операторлар Жамина ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Тахририятда ҳаёми 5 қозондан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
1 — Тижорат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — К. Эшматов.
Навбатчи — М. Нормуродова.
Мусахҳах — Ш. Манраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти — 21.00. Топшириш вақти — 23.00 1 2 3 4 5 6